Боёвут тумани.



ҚАРШИБОВ
Собиржон –
1954 йил,
тиббиёт
фахрийси.
Гулистон
тумани.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
I даража
АЛЛАМОВА
Қизларгул –
1918 йил,
маҳалла
фаоли.
Гурлан
тумани.



ВАЙСОВ
Матчан –
1931 йил,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
қишлоқ хўжалиги
ходими. Ҳазорасп
тумани.



ЖАББОРОВ
Фарҳод –
1942 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Боғот
тумани.



ДЖУМАНИЁЗОВ
Содулла –
1936 йил,
маҳалла фаоли.
Ҳазорасп
тумани.



ЖУМАНИЯЗОВА Шарофат Атаевна – 1947 йил, маҳалла фаоли. Хива тумани.



ҚАЛАНДАРОВ Искандар – 1950 йил, маҳалла фаоли. Янгиариқ тумани.



ЖУМАМУРАТОВ Файзулла Аминович – 1957 йил, маҳалла фаоли. Кўшкўпир тумани.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
I даража
АБДУЛАЗИЗОВА Обида – 1947 йил, тиббиёт фахрийси. Ўзбекистон тумани.



РУСТАМОВА Ўқтамхон – 1941 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Қува тумани.



ИБРАГИМОВ Юлдош – 1944 йил, халқ таълими фахрийси. Шовот тумани.



РАЖАБОВ Комилжон – 1951 йил, прокуратура фахрийси. Ҳазорасп тумани.



ЖУМАНИЁЗОВ Боғибек – 1956 йил, маҳалла фаоли. Хонқа тумани.



АБДУЛЛАЕВА Ойнахон – 1942 йил, халқ таълими фахрийси. Бешариқ тумани.



САФАРОВ Хайдар Сафарович – 1936 йил, тиббиёт фахрийси. Сўх тумани.



ИБРАГИМОВ Рустам – 1937 йил, тиббиёт фахрийси. Урганч шаҳри.



РАХИМОВ Давлатёр – 1950 йил, халқ таълими фахрийси. Хива тумани.



ЖУМАНИЯЗОВ Таир Матниязович – 1955 йил, маҳалла фаоли. Янгиариқ тумани.



БЕКМИРЗАЕВА Рузихон – 1948 йил, халқ таълими фахрийси. Марғилон шаҳри.



ТЕШАБОВЕВ Рахимжон – 1946 йил, маҳалла фаоли. Бувайда тумани.



МАТЧАНОВ Раҳимбой – 1948 йил, халқ таълими фахрийси. Ҳазорасп тумани.



РАХИМОВ Сатимбой – 1949 йил, халқ таълими фахрийси. Хонқа тумани.



ЙЎЛДОШЕВ Ибодулла – 1958 йил, маҳалла фаоли. Янгиариқ тумани.



ИКРОМОВА Махпрат Хошимовна – 1946 йил, маҳалла фаоли. Бувайда тумани.



ТУСМАТОВ Негмат Мамаджанович – 1948 йил, маҳалла фаоли. Қўқон шаҳри.



РАХМАНОВ Худашкур – 1947 йил, маҳалла фаоли. Ҳазорасп туман



РАХИМОВ Ғаффорбенган – 1950 йил, маҳалла фаоли. Ҳазорасп тумани.



МАТРАСУЛОВ Шавкат Самандарович – 1955 йил, маҳалла фаоли. Ҳазорасп тумани.



ИСОМИДДИНОВ Махмуджон – 1937 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Риштон тумани.



ТЎХТАСИНОВА Хамида – 1942 йил, фахрий журналист. Риштон тумани.



САБИРОВ Абдулла Сабурович – 1948 йил, журналистика фахрийси. Урганч шаҳри.



СУЛТОНОВА Янгилжон – 1950 йил, маҳалла фаоли. Урганч шаҳри.



ОТАЖОНОВ Жуманиёз Отабоевич – 1957 йил, маҳалла фаоли. Хива тумани.



МАВЛОНОВ Усубхўжа Хайдарович – 1951 йил, меҳнат фахрийси. Фарғона шаҳри.



ХАСАНОВА Бўайша – 1945 йил, маҳалла фаоли. Учкўприк тумани.



САТТОРОВ Жуманазар – 1942 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Гурлан тумани.



УДЕКОВ Нурулла – 1952 йил, халқ таълими фахрийси. Боғот тумани.



ХАЛИКОВ Курбанбой Абдуқадиорович – 1956 йил, маҳалла фаоли. Хива тумани.



МИРЗАЖОНОВ Саминжон – 1948 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Бағдод тумани.



ЭРГАШЕВ Ёқубжон – 1938 йил, фахрий муҳандис. Қува тумани.



ХЎЖАЕВ Хаитбой – 1947 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Шовот тумани.



ХАЙТБАЕВ Арипджан Урунович – 1953 йил, прокуратура фахрийси. Урганч тумани.



ХАНГАЛДИЕВ Бахтиёр Жуманазарович – 1958 йил, маҳалла фаоли. Хонқа тумани.



МЎЙДИНОВ Мўминжон – 1936 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Тошлоқ тумани.



ҚАМБАРОВ Абдурахим – 1948 йил, халқ таълими фахрийси. Ўзбекистон тумани.



II даража
ДУСЧАНОВ Раҳимбой – 1950 йил, маҳалла фаоли. Урганч тумани.



ХАЙТМЕТОВ Гулмат – 1949 йил, маҳалла фаоли. Гурлан тумани.



ЮНУСОВА Угилдунди – 1956 йил, маҳалла фаоли. Боғот тумани.



НИШАНОВ Турғунбой – 1949 йил, тиббиёт фахрийси. Марғилон шаҳри.



II даража

ИСЧАНОВ Жумабой – 1953 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Гурлан тумани.



ХАСАНОВ Жумабой Рахимович – 1951 йил, маҳалла фаоли. Кўшкўпир тумани.



ЮСУПОВ Марат Эркаевич – 1958 йил, маҳалла фаоли. Гурлан тумани.



МАМАДИЕВ Ғанижон – 1931 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Фарғона тумани.



АБДУЛЛАЕВ Раҳимберди – 1953 йил, халқ таълими фахрийси. Бешариқ тумани.



МАТКАРИМОВ Рашид Шерматович – 1954 йил, қишлоқ хўжалик фахрийси. Гурлан тумани.



ЎРАЗМЕТОВ Султонназир Собирович – 1952 йил, маҳалла фаоли. Кўшкўпир тумани.



ЯКУБОВ Зарип Сабирович – 1955 йил, маҳалла фаоли. Шовот тумани.



ПОЛВОНОВ Жамолiddин Тўхтасинович – 1946 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Риштон тумани.



АДХАМОВ Мухаммаджон – 1950 йил, тиббиёт фахрийси. Данғара тумани.



МУХАМЕДЖАНОВ Хасан Ирнazarович – 1953 йил, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси бўлими бошлиғи. Хива шаҳри.



III даража
АЛЛАНАЗАРОВ Раззақ Гайибович – 1958 йил, маҳалла фаоли. Хива тумани.



ПУЛАТОВ Джурахон – 1934 йил, маданият фахрийси. Қўқон шаҳри.



БАЗАРОВ Эркинбой – 1950 йил, қишлоқ хўжалиги фахрийси. Бешариқ тумани.



БОБОМИРХИСЕНОВ
Абдулложон –
1951 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Сўх
тумани.



ДОДОБОВ
Тожибой
Додобоевич –
1955 йил,
маҳалла
фаоли.
Сўх
тумани.



КАРИМОВ
Ўрмонжон
Нўмонович –
1949 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Тошлоқ тумани.



МАДАМИНОВ
Абдумуталиб
Акбарович –
1951 йил,
қишлоқ хўжалиги
фахрийси.
Бағдод тумани.



МАМАТХАЛИЛОВ
Абдужалил –
1949 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Қувасой
тумани.



МАХМУДОВ
Аъзамжон
Одилович –
1954 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Ўзбекистон
тумани.



МЕЛИҚЎЗИЕВ
Рустамжон –
1952 йил,
маҳалла
фаоли.
Фурқат
тумани.



МИРЗАЕВ
Мухаммад
Хамидович –
1950 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Марғилон
шаҳри.



МУЙДИНОВ
Илхомжон –
1954 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Қува
тумани.



МУХАМЕДОВА
Дилорам
Раҳмановна –
1950 йил,
маҳалла
фаоли.
Марғилон
шаҳри.



МУХАМЕДРАХИМОВ
Адил
Азамович –
1952 йил,
маҳалла
фаоли.
Кўқон шаҳри.



НОСИРОВ
Мухторжон
Асқарович –
1952 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Фурқат
тумани.



РАИМЖОНОВ
Маҳмаджон –
1949 йил,
спорт
фахрийси.
Фарғона
шаҳри.



РАХМОНОВ
Халимжон
Исмоилович –
1955 йил,
маҳалла
фаоли.
Олтиариқ
тумани.



РОЗИҚОВ
Машрабжон
Абдурахмонович –
1952 йил,
тиббиёт
фахрийси.
Олтиариқ
тумани.




ХОШИМОВ
Қодиржон –
1952 йил,
тиббиёт
фахрийси.
Фурқат
тумани.



ХУДОЙБЕРДИЕВ
Иброҳим
Қодирович –
1950 йил,
маҳалла
фаоли.
Кўқон
шаҳри.



ШАЛИМОВ
Бақиржон
Ёдгорович –
1949 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Қува тумани.



ЭШОНҚУЛОВ
Муроджон
Соттиевич –
1955 йил,
фахрий
иқтисодчи.
Ўзбекистон
тумани.



ЮЛДОШЕВ
Набижон
Мирзаевич –
1950 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Олтиариқ тумани.



ЮСУПОВА
Мухаббатхон
Ахмедовна –
1955 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Данғара
тумани.



ҚУЛПИДДИНОВ
Эминжон
Илмидинович –
1952 йил,
қишлоқ хўжалиги
фахрийси.
Фарғона
тумани.




ҒАФУРОВ
Обиджон –
1951 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Қува
тумани.



НОСИРОВ
Мухторжон
Асқарович –
1952 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Фурқат
тумани.



III даража
АТАБАЕВА
Замира
Абдужалиловна –
1957 йил,
фахрий
иқтисодчи.
Марғилон
шаҳри.



АТАБОВЕВА
Анабиби
Абдулаевна –
1957 йил,
маҳалла
фаоли.
Учкўприк
тумани.



АХУНОВА
Насибахон
Қобилдиновна –
1957 йил,
маҳалла
фаоли.
Фарғона
тумани.



АТАҚУЛОВА
Турғуной –
1956 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Олтиариқ тумани.



ДЕХКАНОВ
Ҳамид
Ҳашимович –
1957 йил,
спорт
фахрийси.
Фарғона
шаҳри.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
I даража

АБДИЖАЛОЛОВ
Абдижаббор –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Оҳангарон
тумани.



АЗИЗОВ
Абдупаттох
Ҳапизович –
1953 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Зангиота тумани.



АКРАМОВ
Ғафар –
1949 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Чиноз тумани.



АРТИҚОВ
Баҳридин
Қўшматович –
1949 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Оҳангарон
тумани.



АШИРМАТОВ
Тўйчи –
1924 йил,
маҳалла
фаоли.
Бўка
тумани.



БОЙБЎТАЕВ
Сулаймон –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Оққўрғон
тумани.



БЕКНАЗАРОВА
Зебинисо
Абдулаевна –
1951 йил,
маҳалла фаоли.
Ўртачирчиқ
тумани.



КАРАТАЕВ
Мамадкарим
Абдукаримович –
1937 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Чирчиқ шаҳри.



КОДИРОВ
Мидхат –
1942 йил,
маҳалла
фаоли.
Оҳангарон
шаҳри.



МАВЛЯНОВА
Манзура
Исламовна –
1952 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Олмалик шаҳри.



МИРСОДИҚОВ
Мирсоат –
1950 йил,
қурилиш
фахрийси.
Чиноз
тумани.



НОРХЎЖАЕВ
Собир –
1939 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Чиноз
тумани.



ОБИДОВ
Ориф –
1941 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Пискент
тумани.




РАДЖАПОВ
Раҳматулла
Ҳожимуратович –
1957 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Ўрта Чирчиқ
тумани.



САЙДАХМЕДОВ
Саидкарим –
1939 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Тошкент
тумани.



СЕБЕЛДИНА
Валентина
Геннадиевна –
1945 йил,
маҳалла
фаоли.
Оҳангарон
шаҳри.



ТУРҒУНБОВЕВА
Раҳбарниса –
1946 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Пискент
тумани.



ТЎЛАГАНОВА
Хурипа
Тўлагановна –
1947 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Янгийўл тумани.



УРИНБОВ
Мирзахмат –
1947 йил,
маҳалла
фаоли.
Ангрен
шаҳри.



ХАМИТОВА
Муқаддас –
1950 йил,
халқ таълими
фахрийси.
Ўртачирчиқ
тумани.



ХОЛМАТОВ
Фатих
Турсунбаевич –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Бекобод
шаҳри.



ХОЛМИРЗАЕВ
Бахтиёр
Бекмирзаевич –
1955 йил,
қишлоқ
хўжалиги
фахрийси.
Зангиота тумани.




ЭРАЛИЕВ
Юлдаш –
1946 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Оҳангарон
тумани.



ЭРҒАШЕВ
Тўлаган
Абдуназарович –
1941 йил,
маҳалла
фаоли.
Чиноз тумани.



ЭРҒАШЕВ
Калмон
Тугалбоевич –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Чиноз
тумани.




ЭРҒАШЕВ
Юлдаш –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Оҳангарон
шаҳри.



ЮСУПОВ
Жаббор
Алимқулович –
1955 йил,
ички ишлар
фахрийси.
Тошкент
шаҳри.



ҚАХАРОВА
Сабохат –
1950 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Қибрай
тумани.















ҚЎЙСИНОВ
Алмурод –
1949 йил,
халқ
таълими
фахрийси.
Пискент
тумани.



ҚОДИРОВ
Абдувосс –
1946 йил,
маҳалла
фаоли.
Оққўрғон
тумани.



II даража**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**
I даража

УСМАНОВА Махмуда Таджибаевна – 1950 йил, халқ таълими фахрийси. Юнусобод тумани. 	II даража АБДИРАШЕВ Салим Тургараевич – 1953 йил, маҳалла фаоли. Учтепа тумани. 	ГАИПОВ Баҳром Нишонбоевич – 1954 йил, маҳалла фаоли. Сергели тумани. 	МАННАНОВ Баҳодир Атаханович – 1951 йил, маҳалла фахрийси. Юнусобод тумани. 	УСМАНОВ Шокарим Абдусупович – 1953 йил, адлия фахрийси. Янгиҳаёт тумани. 
ФАЙЗИЕВ Тухта – 1934 йил, маҳалла фахрийси. Шайхонтоҳур тумани. 	АЗИМОВ Рустам Хожикабарович – 1954 йил, маҳалла фаоли. Яшнобод тумани. 	ГУЛЯМОВ Абзал Анварович – 1950 йил, маданият фахрийси. Яшнобод тумани. 	РАЗИКОВ Шукурджан Садикович – 1951 йил, маҳалла фаоли. Сергели тумани. 	ХАКИМОВА Наима – 1951 йил, маҳалла фаоли. Олмазор тумани. 
ХАЛИЛОВ Абдуқаюм Абдуалиевич – 1945 йил, маҳалла фахрийси. Янгиҳаёт тумани. 	АКБАРОВА Севара Нуриддиновна – 1953 йил, фахрий иқтисодчи. Шайхонтоҳур тумани. 	ГУЛЯМОВ Анварходжа Турсунович – 1955 йил, халқ таълими фахрийси. Юнусобод тумани. 	РАХМЕТОВ Махамет – 1952 йил, маданият фахрийси. Шайхонтоҳур тумани. 	ЮСУПОВА Гулнара Абдурахимовна – 1956 йил, халқ таълими фахрийси. Янгиҳаёт тумани. 
ХАМДАМОВА Дилорам Ахмедовна – 1948 йил, маҳалла фахрийси. Олмазор тумани. 	АРИПОВА Феруза Юсуповна – 1955 йил, маҳалла фаоли. Яккасарой тумани. 	ЕФРЕМОВА Нина Михайловна – 1952 йил, маҳалла фаоли. Миробод тумани. 	РИЗАКУЛОВ Карим Ахмедович – 1952 йил, маҳалла фаоли. Чилонзор тумани. 	III даража АЛИМОВ Рустам Муратович – 1956 йил, маҳалла фаоли. Миробод тумани. 
ХОДЖАЕВ Иркин Ахрорович – 1941 йил, халқ таълими фахрийси. Чилонзор тумани. 	АСАДОВ Илхамходжа Нишанович – 1951 йил, маҳалла фаоли. Шайхонтоҳур тумани. 	ЗАКИРОВ Исламбай Исакович – 1955 йил, маҳалла фаоли. Яшнобод тумани. 	РУСТАМОВ Низом Шакирович – 1951 йил, маҳалла фахрийси. 	АХМЕДОВ Шухрат Муратович – 1957 йил, маҳалла фаоли. Чилонзор тумани. 
ХАДЖАЕВ Адилжан Азисович – 1953 йил, маҳалла фаоли. Миробод тумани. 	АСАДОВА Мухаббат Рахматуллаевна – 1949 йил, халқ таълими фахрийси. Шайхонтоҳур тумани. 	ИБРАГИМОВА Шаира Султановна – 1952 йил, маҳалла фаоли. Шайхонтоҳур тумани. 	ТАШХАНОВ Шухрат Кучкарович – 1952 йил, маҳалла фаоли. Шайхонтоҳур тумани. 	ЮСУПОВ Шухрат Эргашевич – 1954 йил, транспорт фахрийси. Чилонзор тумани. 
ҚУЛАБДУЛЛАЕВ Гайбулла Нигматович – 1957 йил, маданият фахрийси. Учтепа тумани. 	ВАЛИЕВА Бусара Искандаровна – 1951 йил, халқ таълими фахрийси. Бектемир тумани. 	КАМАЛОВ Кудияр – 1952 йил, геология фахрийси. Бектемир тумани. 	УМАРОВ Ғофур Усманович – 1954 йил, маҳалла фаоли. Юнусобод тумани. 	

Манба: «Нуроний» газетаси



Ҳамширалар миннатдор

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Кўхнур» ҳамда Қибрай туманидаги «Умид гулшани» санаторийларида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг бепул йўлланмалари асосида соғлиғини тиклаётган ҳамширалар билан учрашув ташкил этилди.

Маъмур сўхатгоҳлар жаҳон талабларига жавоб берадиган тиббий муассасалар бўлиб, ҳамширалар яратилган имкониятлардан мамнун.

– Уттиз уч йилдан бери шу касбда фаолият юритиб келаман, – дейди «Кўхнур»да соғлиғини тиклаётган тошкентлик Мавлуда Азимова. – Саломатлигимни мустаҳкамлаш учун бундай имконият берилганидан беҳад хурсандман. Пандемия даврида вазият

оғирлиги сабаб қийин шароитларда ишлашимга тўғри келди. Хизмат қилаётган давримда ўзим ҳам касалликни юқтириб олдим. Вирусдан соғайгач, қандли диабетга чалиндим. Бу ерда ушбу касаллик оғирганлар учун ҳам алоҳида таомлар берилар экан. Кутубхона эса сеvimли масканимга айланди. Умуман, шароитлар аъло даражада.

26 йиллик иш стажига эга сирдарёлик Зубайда Саидова эса «Умид гулшани»да саломатлигини тиклаш им-

кониятига эга бўлганидан бахтиёр. Зубайда опа руҳий заиф хотин-қизлар даволанадиган шифо масканида ишлаши, бунинг ўзига хос машаққати борлиги, уларнинг ҳам кўнглини олиш, соғайишига кўмаклашиш ҳамширалардан катта масъулият, бардош талаб қилиши, санаторийдаги муолажалардан ҳам руҳий, ҳам жисмоний қувват олаётганини таъкидлади.

– Фарзандларим олий ўқув юртларида шартнома асосида таълим олишади, – дейди қорақалпоғистонлик Гулхан Бекниязова. – Маошим уларнинг харажатларига кетади. «Аёллар дафтери»га кирилганман. Менга бу имтиёзга йўлланманинг берилиши камтар меҳнатимга, оғир шароитимга

бўлган катта эътибор, имконият бўлди.

– Тиббиёт ходимлари беморлар соғлиғини тиклаш учун тиним билмайди, – дейди Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Махмуда Мурзаева. – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси 12 май – Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан шифо масканларимизда фаолият олиб бораётган 50 нафар фаол ҳамширага саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида бепул йўлланмалар ажратгани улар учун ўзига хос тўхфа бўлди.

Шахло АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»





Остонадаги орият

Бирлик. Биргина шу сўз замирида не-не тақдирлар, эл бирлиги, миллат бирлиги, инсоният бирлиги мужассам. Бирлик инсонлар бир-бирини тушунишдан бошланади. Бир мушт бўлиб бирлашган ва ҳаракат қилган борки, мақсадига етади. Лекин бугун жамиятимиз...

ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Ота-боболаримиз бежиз бундай демаян. Улар ўзгани алдамаган, фириб бермаган. Доимо етти ўлчаб, бир кесган. Оқни оқ, қорани қора, дея борича иш тутган. Бугун оқибат тушунчаси биздан сал узоқлашгандай. Бировнинг ҳақидан кўрқмайдиганлар, ўғрилиқ қиладиганлар кўпайди. Фирибгарлар ҳам, уларнинг тузоғига илинаётганлар ҳам бисёр. Қайси оммавий ахборот воситасини кузатманг, «Ўзганинг ишончига кириб...» жумласи билан бошланувчи мақолалар гиж-гиж.

Бола эдим. Қўшлогимиздаги бир ҳовлига қоқилган қозиқ йўқолиб, эртаси куни қўшнисининг ҳовлисидан топилибди, деган гап тарқалди. Ушанда китталар «Болалари қизиқиб олганми ё биров атай ташлаб кетганим, ишқилиб, қозиқ ҳовлисига қандай келиб қолганини билмаган қўшнининг бўлари бўлди. Орияти кучлилик қилиб, одамлар гапирмаса-да, элга қўшилолмай, остона хатлаб кўчага чиқолмай қолди, шўрлик», дейишганди. Бугун эса қўли эгрилигидан уялмайдиганлар кўпаяндек...

Хўш, нега бундай бўляпти?

«НОМАЎЛУМ ҲАЙВОННИНГ ГЎШТИ»
Инсоф ва Виждон! Бу тушунчалар баъзилар учун ёт нарсасга айлангандек. Яъни, улар пул топиш учун ҳар қандай разилликдан ҳам қайтисмаяпти... Ижтимоий тармоқларда Қашқадарёда эшак сўяётганлар ҳақидаги видео тарқалди. Одамлар бир қалқди. Ҳаял ўтмай яна хабар пайдо бўлди: пойтахтга олиб келинаётган фалон кило «номаълум ҳайвон гўшти» истеъмолга яроқсизлиги туфайли йўқ қилинди. Улар-ку ушланиб, оммага ошкор бўлгани. Бўлмагани-чи...? Кўчалардаги ошхо-

«БОЗОР БОРДИМ...»

Яқинда тўрт-беш нафар отахоннинг суҳбатига қўшилиб қолдим. Бир маҳал уларнинг нисбатан ёшроғи куйиниб, гап бошлади:

– Бозор иқтисодиётига ўтишдан олдин одамларга бозор қондасини ўргатиш керак эди. Чунки ҳар қандай олди-сотдининг ҳам тартиби бор. Айтайлик, ота-боболаримиз бозорга олиб келган маҳсулотнинг устига инсоф билан нарх қўйиб сотган. Бунни яшириб ҳам ўтирмаган. Мисол учун, ўзига барча харажатлари билан ўн сўмга тушган маҳсулотни 12, нари борса, 15 сўмга пуллаган. Асосийси, икки барабаридан камига сотган, ундан ортиғини ҳалол деб билмаган.

Ҳозир-чи?... Эҳ-ҳе, ўн минг сўмлик маҳсулотни, иложини топса, эллик мингга пуллайди. Ёш болалар ҳам кўзини лўқ қилиб, «Ўзи бу маҳсулот бизга эллик минг сўмга тушган, гарчи фойда кўрмасам-да, майли, уни сизга бераман», дейди. Ёлғон сўзлаётганидан виждони заррача қийналмайди. Баъзи кишилар бу гапга ишониб, ўша маҳсулотни «сотувчи» айтган пулга олиб кетаверади. Ҳолбуки, савдолашса, эгаси ярим нархидан камига ҳам рози бўлади. Шунда ҳам қанча фойда кўради, бу ёғи ўзига аён. Уни бу ёлғонга ким ўргатган? Албатта, отаси ёки онаси. Уларнинг ёнида бўлиб, қандай савдо қилишини кузатиб борган фарзанднинг ҳам эти қотган ва ёлғончиликка ўрганган. Улардан эртага нима кутамиз? Эси...?

– Яқинда мол бозорини оралаб, одамларда орият қолмаяптими, деб кўрқиб қолдим, – дея гуруннга қўшилди отахонларнинг яна бири. – Қўлогимга таниш овоз эшитилди. Секин яқинлашиб, одамлар орасидан мўралаб қарасам, ўзимнинг ҳам-сям. Бозорда даллоллик қилиб, бир кишини авраяпти:

– Шу молни олсангиз, савобга қоласиз. Эгаси яқинда ўлди. Манави боласи сағир қолди. Устига-устақ, хотини касал бўлиб, кўрпага михланган. Ҳозир марҳумнинг маъракасига пул жуда зарур бўлиб турибди. Салгина қимматига олсангиз ҳам асло кам бўлмайсиз. Сизга керагини Худо беради.

Вожаб, молни ушлаб турган «сағир» ўзининг ўғли эди. Аёли ҳам соппа-соғ, қўйиб берсанг, яйдоқ дашта тулкини қува-лаб, ушлаб оладиган шашти бор. Наҳотки, одамзод шунчалик пасткашликка борса?! Ҳамсоямнинг кўзи менга тушди-ю, бир зум додирарадай бўлди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, «Кўшни, тирикчилик тирриқчилик-да. Бир-икки сўм учун гоҳида ёлғондакам ўлишинга ҳам тўғри келар экан», деди тиржайиб.

Яна бир оқсоқолнинг ҳасрати ҳамма-ниқидан ошиб тушди.

– Мени бегоналар эмас, уйи донга тўлгур ўз болам боплади, – деди бошини сарак-сарак қилиб. – Биласизлар, яқинда уйини бўлак қилиб олган тўнғичим бозорда мол олиб сотади. Мен болали сигир олишим керак бўлгани учун уни излаб, бозорга бордим. Шериғи иккови эна-бола сигирни ушлаб турган экан. Сигир зотдор, сут берадиган. Хурсанд бўлиб, «Шуни менга бера-санлар, олган нархларинг устига озгина қўшиб, рози қиламан», дедим. «Фалон сўм берақолинг, бобо», деди шериғи. Мен «Рози бўлсанлар, бўлди!» деб, фойдасини ҳам қўшиб бериб, сигир ва бузоқни уйга олиб келдим. Кейин орқаваротдан эшитсам, биласизларми, улар нима қилишган экан? Молларни булар учун тўлаган пулларининг нақ ярмини қўшиб, менга сотишган экан. Ўғлимга айтсам, «Нима қилай, ота, бу бозор, тирикчилик», дейишдан нарига ўтмади.

КЎНГИЛЛАР ТОШ ҚОТМОҚДА(МИ?)

Вакт шитоб билан ўтмоқда. Кеча яратилган янгилик бугун эскиликка айланиши оддий ҳолга айланиб қолди. Қўл телефонлари узоқни ақин қилди. Бировда ишинг бўлса, бориб ўтирмай, турган жойингда сим қоқсанг бўлади. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, ақинларни йўқлашда ҳам унинг хизмати беминнат. Аммо, менимча, бу матоҳ узоқни ақин қилапти-ю, кўнги-ларни узоқлаштириб юборапти. Сабаби аён: узоқдаги қондошингизни соғинсангиз, у билан юзма-юз дийдорлашининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Яна...

Ижтимоий тармоқларда кунда-кунора «Самарқандда 9 ойлик чақалоқни ваҳшийларча ўлдирган ўғай ота 13 йилга қамалди», «Фалончи писмадончини пичоқлабди», «Фалон раҳбар бундай қилди» каби бир-биридан совуқ хабарлар чиқиб туради. Энг ёмони, интернетдаги турли тармоқларда хабар пайдо бўлиши билан кимўзарга ўйнагандай, уни бир-биридан кўчириб тарқатишди. Лекин «Бу каби «свежий» янгиликлар одамларнинг этини ўлдириб, ён-атрофда рўй бераётган мудхиш воқеа-ҳодисаларга нисбатан бе-парво қилиб қўяди. Қолаверса, бировнинг фожиасини элга дoston қилишим яхши эмас-ку, деган андишага боришмайди.

Бундан ташқари, кимдир фалокатга уч-раб, оғир ҳолатга тушиб қолса, унга ёрдам бериш ўрнига, телефонига суратга ту-ширишга киришиб кетадиганлар кўпайди. Баъзилари шундай ҳолатларни излаб юри-шади. Эшитса ёки устидан чиқиб қолса, тарқатиш бўйича «улоқни олиб қочиш», шу тариқа обуначиларини кўпайтириш пайда бўлишди.

Ажабо, одамларга нима бўляпти ўзи? Эҳтимол, улар қўлларидаги телефон каби жонсиз ва ҳиссиз бўлиб боришаётгандир?..

ЭТИ СИЗНИКИ...

Бу ибора ҳам эндиликда эскилик сарқитига айлангандек гўё. Болагимизда усто-зимиздан зириллардик. Бошланғич синф-да бизни амаким ўқитган. Яна бир амаким-нинг ўғли синфдошим эди. Бизникида тўй ёки бирор маърака бўлса, иккимиз улар-никида, аксинча бўлса, бизникида ўти-рардик. Сабаби, маросимга устоз келар, биз унга қўринишдан ўлгудай кўрқардик. Уйда тўполон қилсақ, «Ҳозир малимингни чақираман!» деган гапни эшитибок, дами-миз ичимизга тушиб кетарди. Кўрққани-мизданми ёки устознинг салобати босга-

ниданми, тўполон қилолмасдик. Устоз кимгадир ўзи «тўрт» баҳо қўйса, нега «беш» олмайсан!» деб «терисини ши-ларди». Урмас эди, лекин салобати, ни-гоҳи... Бутун синф аълочи эди.

Каттани ҳурмат, кичикни иззат қи-лишни, яхшилик улашини, муҳими, эзгу амалларни бола ўз онгига маҳалласи, уйи, боғча ва мактабда сингдиради. Яъни ко-милликка йўлни ота-онаси ва устози бер-ган таълим-тарбия, ўқиган китоблари, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатидан ке-либ чиқиб ола бошлайди.

Ҳозир кўп эшитамиз: «Фалончи болани устози бир шапати урган экан, онаси мак-табга бориб, шармандасини чиқарибди». «Фалон ўқитувчи ўқувчисини урган видео интернетга чиқиб кетиб, ўқитувчига чора кўрилди». «Ўқувчиларининг ўқишга кириш кўрсаткичлари пастлиги туфайли ўқитув-чилар ота-оналардан кечирим сўрашди».

Бола ота-онаси менсимаган устозини қандай ҳурмат қилади? Бундай ҳолатда у ўқийдими?! Аксинча, дарсда ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб ўтиради, бош-қаларни ҳам шу йўлга ундайди.

Давлат ривожини йўлидаги ҳар қандай тўсиқ, жамиятда учраётган муаммолар ортида тарбиясизлик, илмсизлик туради. Илмсизлар орасида бағриотларни кўп уч-рашини наҳотки билмасак?

ҚАЧОНГАЧА ЧЕТ ЭЛЛИКЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ?

Биттаси айтиб қолди, юртимизга келган бир япон тоби қочиб қолиб, дори излабди. Излагани Японияда ишлаб чиқарилган бў-лиши керак экан. Бироқ тополмабди. Бош-қа дорини тавсия қилишса, кўнмабди. Са-бабини сўрашган экан, у «ўз юртимда ишлаб чиқарилган дорини олсам, унинг иқтисодиётига ҳисса қўшган бўламан», деб жавоб берибди. Биргина одам биттагина дорига ҳам шунча эътибор қаратса, ўша юртдаги бутун эл худди шундай тушунча билан яшаса, қолганини ўзининг тушуниб олаверинг. Бу Ватанин севишининг, унинг равнақи учун ҳисса қўишининг амалдаги кўрнини эмасми?

Бизда эса ярим аср аввал айтилган «Ҳўроққанд чет элники деса, одамлар ётиб олиб ялайди», деган машур ибора ҳали ҳам амалда. Ўзимизда тайёрланган деса, ҳар қанча сифатли бўлса ҳам истамиймиз ёки қабул қилмаймиз. Гоҳ-гоҳида «чўнтақ касаллиги» туфайли олишга мажбур бўла-миз. Бу баайни ҳақиқат!

Ха, ўзга миллатлар, уларнинг ривож-ланиши сабаблари ҳақида гап кетганда, оғзимизнинг таноби қочиб мактаймиз. «Ўз юрти учун бундай қилган, ундай қилган», деймиз. Ўзимизга келганда эса...

Билмадим, бу кетишда давлатнинг, жа-мийатнинг ривожланиши шу юртнинг ҳар бир фуқаросига, унинг илми, дунёқара-шига боғлиқ эканини қачон англаймиз?

ҚОНДА БОР, ЛЕКИН...

Одамийлик, бировнинг бошига иш туш-ганда ёрдам кўрсатиш азалдан қонимизда бор. Бироқ охири пайтларда улар бир-мунча хира тортиб, одамгарчилик, орият деган тушунчаларга путур етмаяптими?! Саволлар, саволлар, адоқсиз савол-лар... Юқорида тилга олганларимиз ден-гиздан бир томчи, холос. Лекин улар-нинг жавобини топишимиз, топганда ҳам тезроқ топишимиз керак. Ишончим ко-милки, ушанда ривожланган давлатлар ҳам бизга ҳавас қилади.

Ҳозирча эса, назаримда, орият осто-нада туриб қолгандай. Бунга бефарқ бўл-майлик! Уни кўчага қувиб солмайлик. Бунга сиз нима дейсиз, замондош?

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»



Фикр

Таълим-тарбия ҳақида сўз кетганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё ма-мот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли фикри ёдимизга тушаверади. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ҳозирги вақтда ҳам долзарб аҳамиятга эга.



ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Мамакатимизда «Тарбия» фанини яратиш ва ўқи-тиш ташаббуси илгари су-рилиши ҳам ана шу ҳа-ётий зарурат билан чам-барчас боғлиқ эди. Ўтган даврда мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиб, «Миллий ғоя», «Одобнома», «Дин-лар тарихи», «Ватан туй-ғуси» каби фанларни бир-лаштирган ҳолда «Тарбия» фани жорий этилди.

Маълумки, тарбия ўз моҳият-эътибори билан миллий, умуминсоний ва гуманистик мазмунга эга-дир. Ҳар бир жамият етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида бутун ижо-бий, олижаноб фазилат-ларни бирлаштирган ав-лодни тарбиялашни орзу қилади. Тарбияли, маъна-виятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, шунингдек, кел-гуси ҳаёт ва турмушнинг равнақи учун ўз ҳисса-сини қўшишга интилади.

Мажбурият, тарбия ўз моҳият-эътибори билан миллий, умуминсоний ва гуманистик мазмунга эга-дир. Ҳар бир жамият етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида бутун ижо-бий, олижаноб фазилат-ларни бирлаштирган ав-лодни тарбиялашни орзу қилади. Тарбияли, маъна-виятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, шунингдек, кел-гуси ҳаёт ва турмушнинг равнақи учун ўз ҳисса-сини қўшишга интилади.

Мажбурият, тарбия ўз моҳият-эътибори билан миллий, умуминсоний ва гуманистик мазмунга эга-дир. Ҳар бир жамият етук, ҳар томонлама камол топган, ўзида бутун ижо-бий, олижаноб фазилат-ларни бирлаштирган ав-лодни тарбиялашни орзу қилади. Тарбияли, маъна-виятли инсон бугунги кун ва келажак ҳақида фикр юритади, шунингдек, кел-гуси ҳаёт ва турмушнинг равнақи учун ўз ҳисса-сини қўшишга интилади.

Бекмурод ШЕРМАТОВ, Зангиота туманидаги 22-умумтаълим мактаби директори ўринбосари

Эълонлар

2020 йил 1 июль куни вафот этган, вафотига қадар Тошкент ви-лояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор МФЙ, «Баҳор» кўчаси, 9-уй, 35-хо-надонада яшаган, марҳум Турсунова Жаннатхоннинг мол-мулкига мерос иши олиб борилаётганлиги маълум қилинади. Меросхўрлар Янгийўл туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т.Бекназаровнинг нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўра-лади. Манзил: Янгийўл тумани, Ниёзбоқ ҚФЙ, Амир Темур тракти, рақамсиз уй. Тел: 99-870-603-50-44.

Чиноз туманидаги 40-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Муҳиддинов Дадаҳон Абдувоҳид ўғли номига берил-ган У 2153966 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қи-линади.


Пресс-тур

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлан-тириш агентлиги Самарқанд вилоятида «Тиб-бий-ижтимоий муассасаларда ногиронлиги бўл-ган шахсларга хизмат кўрсатишнинг ҳолати ва келажакдаги режалари» мавзусида пресс-тур ташкил этди.

Иштирокчилар дастлаб Ургутдаги «Мурувват» аёл-лар интернат уйида бўлишди. Ушбу муассасада яшовчилар турли хунарлар билан машғул. Улар тайёрлаган кашталар, кўғирчоқлар ва тақинчоқлар ки-шини ҳайратга солади. Ўз навбатида, бу ногирон аёл-ларга давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсати-лаётганини аңлатади.

– Юртимиздаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз кекса-лар ва ногиронлиги бор шахсларга барча имкониятлар яратиб берилган, – дейди агентлик директорининг бир-инчи ўринбосари Баҳодир Каримов. – Улар тўлиқ дав-лат таъминотига олинган бўлиб, барчасига стационар шароитда тиббий-ижтимоий, маиший ва реабилитация хизматлари кўрсатилмоқда. Бой китоб фондига эга, ин-тернетга уланган ва Миллий кутубхона электрон ресурс-ларидан фойдаланиш имконияти мавжуд кутубхоналар узулсиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, махсус авто-бусларда отахону онахонлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларига ва бошқа тарихий қадамжоларга зиёратга олиб борилади. Бултур соҳа ходимларининг ойлиги оширилгани мазкур муассасалар фаолиятини янада жонлантирди.

Самарқанддаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар



МЕҲРУ МУРУВВАТДАН МАМНУН ДИЛЛАР


интернат уйида ҳам ҳамма нарса бадастир. Шу боис кимлардир тренажёр хонасида спорт билан шуғул-ланишпти, кимлардир ҳовлида деҳқончилик билан банд. Биз Мавжуда Эргашевани суҳбатга тортидик.

– Мен гулдек оиланинг ёлғиз фарзанди эдим, – деди у. – Ота-онам вафот этган, танҳо ўзим қолдим. Бирмунча вақт таниш-билишларимнинг уйларида бо-лаларига, касал ота-оналарига қараб, кунимни ўтказ-дим. Кези келганда, кўрпа-тўшак қағидим ёки далада ишладим. Меҳнатларим эвазига баъзида раҳмат, баъ-зида ҳақорат эшитдим. Оила қуриш ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмадим. Ишга ярамай қолган, бу ерга келдим. Мен яшаётган хонада икки нафар бемор аёл ҳам бор.

Улар билан опа-сингилдек иноқлашиб кетганмиз. Энг муҳими, мен бу ерда оиламни, яқинларимни топдим. Меҳр нималигини шу ерда ҳис қилдим. Олтимси тўрт ёшга киргунимга қадар бировдан илиқ гап эшитмаган, доимо ҳадик билан яшаган эдим. Бу ерда эса кеча-ларни хотиржам ухлаб, эрталаб хушқайфият билан уй-ғонаман. Бизга бундай имконият яратиб берганларга катта раҳмат!

Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида ҳам ишлар қизгин.

– Даволаниш ўринларини янада кўпайтиришга ҳара-кат қиляпмиз, – деди марказ директори Акром Бердиев.



Мўйқаламда ҳаёт жилваси

Кўргазма

Музейимизда тез-тез маҳаллий рассомларнинг нодир асарлари кўргазмалари ташкил этилади. Бу ерга ташриф буюрувчилар яқинда бутун умрини тасвирий санъатга бағишлаган ажойиб инсон, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Икром Қаландаров ижоди билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Икром Қаландаров 1935 йил 7 январда Хивада санъаткорлар оиласида туғилган. 1955-1960 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бадий графика йўналиши бўйича тахсил олган. Юсуф Елизаров, Азиз Гольдрей, Маннон Саидов, Малик Набиев каби академиклар ва бошқа машҳур рассомлардан касб сирларини ўрганган.

У Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги УрДУ)да, Ўзбекистон бадий ишлаб чиқариш фондининг Урганч филиалида ишлаган кезлари Хоразм тасвирий санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Шу асно бир қанча нуфузли танловларда қатнашиб, муваффақият қозонди. Жумладан, 2008 йили Тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида ўтказилган «Хоразм маданияти кунлари» кўргазмасида кумуш медаль совриндори бўлди. 2015 йилда эса Ўзбекистон Бадий академияси дипломи билан тақдирланди.

Рассом ўз асарларида асосан реал кўринишларни табиий ва ёрқин рангларда жонли тасвирлаши билан бошқалардан ажралиб туради. У, айниқса, серкучёш заминимизда туғилиб ўсган, ҳалол меҳнатлари билан обрў-эътибор қозongan буюк санъаткор Комилжон Ота-

ниёзов, мусаввир Эрқабой Машарипов, шоир Эркин Самандаров каби кўплаб юртдошларимиз сиймоларини портрет жанрида юксак бадий маҳорат билан акс эттирган. «Сув бўйида» номли асарида эса кўлида кўза ушлаб, атрофга ишонч билан тик қараб турган ўзбек аёли, рассомнинг онаси, актриса Ражаббиди Бойжонова тасвирланган. Унинг сиймосида нафақат она, балки гўзаллик, нафосат, меҳр ва садоқат тимсолларининг уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Икром Қаландаровнинг натюрморт ва манзара жанрларидаги талай асарлари ҳам мухлисларга манзур бўлган. Санъатда ўз усули ва мухлисларига эга бўлган, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз рассом бугунги кунда ҳам ижод билан банд.

Меҳрибон АБДИЯЗОВА,

Урганчдаги Ўзбекистон замонавий санъат музейи касаба уюшма қўмитаси раиси



РЕКЛАМА

XalqBanki

**Сбербанк
Онлайн**



ROSSIYADAN
XALQ BANKI KARTALARIGA

**BIR ZUMDA
PUL O'TKAZING**

1106




Бир аср аввал – 1906 йили ўзбек миллий матбуотининг дастлабки нашри ҳисобланган «Тараққий» газетасининг нишона сониди Мунавварқори Абдурашидхонов мамлакат ҳаёти учун энг долзарб ва муҳим бўлган ўткир бир мавзунини кўтариб чиқди. Мақола таълим тизимидаги муаммолар таҳлилига қаратилган бўлиб, «Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб» деб номланган эди...

Абу Али ибн Сино бобомизни асосан тиббиёт соҳасининг билимдонлигига танишмиш. Аммо унинг фалсафа, мантиқ, риёзиёт, фалакиёт, мусиқа, адабиёт, дорушunosлиги улкан илмий мероси чинакам қомуний олим бўлганидан далолат беради.

Мунавварқори ҳазратлари анъанавий таълимнинг қотиб қолган, тушунарсиз ва кераксиз хусусиятларини очиб беради. Миллат фарзандлари йилларча ўқувга қатнаб, пул санаш (насия ёзиш)дан нарига ўтолмаётганидан, уларга сарфланаётган шунча ҳаракат ва харажат беҳуда кетаётганидан халқни огоҳ бўлишга чақиради. Муаллифнинг фикрича, буларнинг барчаси таълимни йўлга қўйишдаги бироз тадбирсизлик юзидан содир бўлган.

Мунавварқори ўз фикр-мулоҳазаларини фақат назарий жиҳатдан эълон қилиш билан чекланмасдан, XX аср бошларида янги усулдаги мактаблар очишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Уларда анъанавий таълимнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган, қомусий олимлар етиштириш учун асос бўлиб хизмат қилган энг илғор жиҳатларини янги дунё илмий ютуқлари, хусусан, ишлаб чиқаришнинг янги асосий қисмлари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни мақсад қилиб белгилади. Унинг фикрича, фарзандлар анъанавий миллий таълим хусусиятлари билан биргаликда жаҳон илм-фанини ҳам пухта эгаллаши лозим эди.

Уш даврдаги миллат зиёлилари ўз олдига қўйган бундай мақсадга қисқа муддатда эриша бошлади. Жараён оммавий қадамон тизими ишга



тушгунга қадар давом этди...

Маърифатпарварлар фанларни керак-нокерак ажратмасдан, ҳеч бирини чиқитга чиқармасдан, барча илм ва фанларни бир бутун тизим сифатида ўрганиш ва ўргатиш йўлидан боришган эди. Зотан, бу кўп асрлик аждодлар ҳаётида синовдан ўтиб, ўз самарасини бериб келаётган ёндашув эди. Шу сабабли улар қироат, ҳадис, ахлоқ, ислом тарихи ва ҳуқуқи, ақида, туркий, арабий ва форсий луғат дарслари билан бир қаторда география (ер юзи), геометрия (ҳандаса), математика (ҳисоб илми), астрономия (фалакиёт), рус ва бошқа хорижий тиллар каби фанларни ҳам ҳар бир ўқувчи ўрганиши зарар, деб ҳисоблашган. Қисқаси, ўша давр воқелигига эндигина кириб келаётган замонавий технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш техникаларини бошқариш, р и ш,

ган. Фалсафа ва мантиқ бўйича катта асарлар ёзиб қолдирган. Қадимги юнон олимлари асарларини араб тилига таржима қилиб, шарҳлар битган. Адабиёт, тиббиёт ва аниқ фанлар бўйича ҳам бир қатор илмий рисоалар яратган. Манбаларда келтирилишича, шундай катта илмий салоҳият эгаси бўлган Форобий боғбонлик билан тирикчилик қилган.

Абу Райҳон Беруний тарихчи, этнограф, тилшунос, маъданшунос, географ, диншунос, ислом илмлари бўйича етук олим сифатида танилган. Ақл-заковати билан Христовор Колумбдан беш аср олдин янги қитъа (Америка) ҳақидаги асосли илмий қарашни назарий жиҳатдан тақдим эта олган.

Абу Али ибн Сино бобомизни асосан тиббиёт соҳасининг билимдонлигига танишмиш. Аммо унинг фалсафа, мантиқ, риёзиёт, фалакиёт, мусиқа, адабиёт, дорушunosлиги улкан илмий мероси чинакам қомуний олим бўлганидан далолат беради.

Бу каби қомусий олимларимиз бугунча жаҳон илм-фани тараққиёти учун асос бўлиб турган салмоқли илмий мерос қолдириб кетишгани ҳаммага кундай равшан. Аммо ҳозирда орадан минг йилдан зиёд фурсат ўтди, энди анча нарсалар ўзгарган, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Келинг, яна бир мисолга назар солайлик. Яқин тарихимизда – XX асрда яшаб ўтган ватандошимиз Алихонтўра Соғуний биринчи ўзбек маршали сифатида эътироф этилади. У ўз даврида миллий давлатчилик тизими, давлат ва ҳуқуқ асослари, бошқарув ва ҳарбий салоҳиятни маҳорат билан эгаллаган йирик шахс бўлиб тарихда қолган. Шу билан бирга, Соғунийнинг ислом тарихи, тиббиёт, Туркистон халқлари тарихи ва этнографияси, ботаника, фармацевтика, адабиёт каби соҳалардаги илмий мероси ҳам катта ва салмоқлидир.

Шонли тарихимизда яшаб ўтган бу каби буюк сиймоларни санаб адоғига етиш қийин. Бугунги тараққиётимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг илмий меросларидан муайян даражада истеъфода этиб келиняпти.

Энди тарих завоқларини ўз ўрнида қолдириб, бугунги воқелигимизга қайтасак. Бугун ҳам ўрта ва умумий таълимда аждодларимиз ўқиб ўрганган фанларнинг кўпчилиги ўқитилаяпти. Энди шунча фанлар ўзи керакми-йўқми? Керак бўлса, нима учун керак, қабилидаги саволнинг пайдо бўлиши бизга яна юқорида Мунавварқори таъкидлаган жаҳолатимизни намоён қилади.

Кейинги пайтларда ўн бир йиллик мактаб тизимида ўзлаштирилган барча билимни бир четга қўйиб, бир йил давомида махсус ёлланма ўқитувчининг шахсий дастури асосида фақат икки-уч фандан тест синовларига тайёргарлик кўриш негадир афзал тутилган бўлди. Шу залда «Фалон фан нимага керак?», «Фалон фанни ўқиш шартми?» қабилидаги ғалати ёндашувлар юзага келди. Булар ҳали ёр, ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ўқувчиларнинг ҳаёлида тизимнинг ўзи – жаҳолат. Лекин бу хомхаёлга ота-оналар ҳам дастак бўлиши яна ўн қарра жаҳо-



Мулоҳаза

АРХИВ

гина қуруқ объектни топшириш билан ўз вазифасини тугатади. Объектнинг жуда катта миқдорда сув сақлаш учун бардошлилиги, гидро-техник талаб ва меъёрларга жавоб бериши қурувчи мутахассиснинг эмас, сув омбори қоровулининг зиммасида тугилади. Гўёки сувнинг дамбани бузиб чиқиб кетмаслигига қоровул масъулдек. Яна бир кичик мисол. Жойларда йўллар янги асфальт қилингандан кейин дарров қувур ўтказиш ишлари бошланади. Бу ҳаммани хуноб қилади. Лекин шахарсозлик, ирригация, коммуникация ишларини умумий бир тизимда кўра оладиган мутахассисни топиш негадир анқонинг уруғи бўлиб борапти.

Мисолларни инсон саломатлиги билан боғлиқ ҳолатда кузатсак, янада аянчлироқ оқибатларга дуч келамиз. Тананинг бир аъзосига тавсия қилинаётган препарат бошқа аъзо фаолиятини буткул издан чиқариши мумкин. Бахтга қарши, тана аъзоларини муолажа қилувчи мутахассислар ҳам кўпинча бир-биридан хабарсиз ҳолда алоҳида-алоҳида иш кўриши учраб туради. Фарзандларимизга ўқитилаётган фанлар орасига хитой девори қўйиб, фанларни бир-биридан ажратиб, керак-керак-

лат-дир. Ота-онанинг бундай ёндашуви билан бола мактабдаги таълим тизимидан қониқмай, аста-секин узоқлаша бошлайди. Бора-бора болада мактабда ўқиш кераксиз ва бемаъни бир юмушга айланиб қолади. Ўзига керак деб ҳисоблаган бир-икки фани амалтақал қилиб, «ўзлаштириб» олади.

Мактабда биргина фандан дарс берадиган ўқитувчи ҳам кези келганда умумий ўрта ва олий таълимдаги барча фанларни ўқиб ўзлаштирган. Шундан кейингина у муайян бир фандан дарс беришини тасдиқловчи ҳужжатни қўлга киритган. Ўқитувчининг фақат битта фандан дарс бериши у шу фаннинггина ўзлаштирилгану бошқа фанларни ўқимаган, демак, ўқувчи ҳам барча фанни ўқиши шарт эмас, деган хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Ҳар бир ўқитувчининг дипломига ўқиган фанлари ва улардан ўзлаштириш даражаси қайд этилган ҳужжат илова қилинган бўлиб, дипломнинг ўзи шу иловасиз ҳеч қандай кучга эга эмаслигини бугунги кунда ўқувчилар билмас ҳам, катталар ва ота-оналар жуда яхши билса керак.

Ижтимоий ҳаётни кузатсак, кейинги пайтларда кундалик турмушимизда содир бўлаётган ва кўпчиликка катта талафот етказаятган салбий ҳолатларнинг аксариятида баъзи «мутахассис»ларда ўз ишидаги бирон масалага комплекс ёндашувнинг йўқлиги оқибатларини кўраимиз. Мисол учун, аҳолига янги уй-жой лойиҳаларини тақдим этаётган мутахассис объектларга иқлим шароитининг, хусусан, шамолнинг таъсири ҳақида бош қотириб ўтирмайди. Унинг назарида, бу – бошқа бир мутахассиснинг иши. Бошқа мутахассис эса, иқлим таъсирини ўзича ўрганади ва унинг лойиҳалаш-қурилиш масаласига татбиқ қилиниши билан деярли қизикмайди. Тўғон қурилишини зиммасига олган ташкилот эса, фақат-

Абу Наср Форобий етмишдан ортиқ тилни мукаммал билган. Лекин ҳозирда биз уни фақат тилшунос олим сифатидагина ўрганаётганимиз йўқ. Сабаби, у ўнлаб чолғу асбобларини маҳорат билан чала олган, мусиқа-лар яратган, бу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган олим бўлган.

сизга чиқариб ташлаш янада каттароқ талафотларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчига фақат бир-икки фан керак, бошқалари муҳим эмас, деб ҳисоблаш, худди ўсаётган ниҳол учун фақат тупроқнинг ўзи кифоя қилади, унга сув, ҳаво, қуёш нури ва бошқа озуқалар шарт эмас, қабилидаги фикрлашга ўхшайди. Бошқалар Ойни забт этаётган пайтда бизнинг бу залдаги ёндашувимиз жуда қимматга тушиши тайин.

Соҳибназар ТУРДИАЛИЕВ

Манба: «Oila va tabiat» газетаси.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5003

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:
Ж. Наҳонов,
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳих:
Д. Худойбергенова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:00**
Топширилди – **23:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 14 босма табоқ. Буюртма **V-5162**
35787 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яншобод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКДЗ: 58130